Ёшлар биз билан ҳамнафас, шу боисдан ҳам биз келажакка комил ишонч билан назар ташлаймиз. Йигирма йил мўқаддам бошланган Африка-Осиё ёзувчилари ҳаракати қудратли ижтимоий ўзгартирувчи кучга айланди. Биз шунга аминмизки, бу ҳаракат бирлик ва бирдамликни мустаҳкамлаб, тинчлик ва социал тараққиёт учун, замонамизга муносиб улкан адаби

ИНСОННИНГ МЎЪТАБАР ТУЙҒУЛАРИНИ, ТИНЧЛИК, ОЗОДЛИКНИ ҚЎЙЛАЙЛИК

ТАШКЕНТ 1958–1978

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

шуни ифтихор билан айта оламизки, Африка — Осиё ёзувчиларининг ҳаракати фаластин халқи манфаатларини ҳимоя қилишда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Биз бундан йигирма йил муқаддам мана шу залда икки буюк қитъа ёзувчиларининг оташин нутқларини тинглаган эдикки, уларнинг сўзларида эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашда бирлашишга ва галаба қозонишга астойдил ишонч ва азму қарор қудратли куч бўлиб янграган эди, — дейди Тошкент мактабининг муаллимаси, СССР Олий Совети депутати **Мавжуда Саматова,** Ўзбекистон пойтахтида Ўшанда Африка-Осиё ёзувчилари ҳаракатининг мазмуни ва истиқболлари белгилаб олинган эдики, орадан ўтган йигирма йил мобайнида бу ҳаракат мустаҳкамланиб, янада қудратли кучга айланди. Империалистлар ва уларнинг малайларининг кирдикорлари бу ҳаракат замиридаги қардошлик, озодлик, социал тараққиёт ғояларини бўға олмади ва бўға олмайди. Осиё ва Африка илғор адаблари тараннум этган бу ғоялар оддий кишиларнинг фикри ва қалбида умрбод яшайди.

Бутун мамлакатимиздаги сингари Ўзбекистонда ҳам Осиё ва Африка ёзувчиларининг асарларини севиб ўқийдилар. Бу асарлар ўзбек тилига таржима қилинмоқда ва миллион-миллион нусхада нашр этилаётир. Фарзандларимиз институт ва мактабларда уларнинг ижодини ўрганмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, ўтмиш маънавий мероси билан ва ҳозирги замон адабиёти билан янада чуқурроқ танишишга, иккала қитъа ёзувчиларининг олиҳаноб муддаолари билан янада яқинроқ танишишга ёрдам беради.

Мен Германия Демократик Республикаси ёзувчилар иттифоқининг қизатувчиси сифатида конференцияларингиз ва симпозиумларингизда бир неча марта қатнашмоқдаман, Қохира, Тошкент, Олмаота ва Деҳлида ҳам иштирок этдим, — дейди Германия Демократик Республикаси ёзувчилар иттифоқи раиснинг ўринбосари, романист ва публицист **Макс Вальтер Шульц.** — Шу боисдан мен европалик бўлсам ҳам бу тарихий анжуманда ўзимни мутлақо ёт сезмайман деб айтишга тўла ҳуқуқлиман. Мен, сизлар билан бирдамлигимни тўла ҳис этиб турибман, чунки бундай бирдамлик конференцияси барча сиёсий, маданий ва инсоний мупосабатларнинг негизидир.

Мамлакатимизда катта оға тўғрисида гап кетганида Совет Иттифоқи кўзда тутилади. Биз «оға» сўзи замирида қаҳқий социализмга дахлдор бўлган ҳамма нарсани, империализмга, мустамлакачиликка ва фашизмга қарши, тинчликсевар кучларнинг жипслашуви учун халқларнинг муштарак курашга дахлдор ҳамма нарсани тушунамиз.

Мен Лейпцигда яшайман. Ўйимдан сал нарироқда Патрис Лумумба номли университет жойлашган. Африкалик ва осиёлик биродарларим билан ҳар куни эрталаб учрашаман. Мен порлоқ келажак учун Осиё ва Африка халқларининг олиб бораётган ҳаққоний кураши билан бирдамлигимни, ана шу қитъаларнинг ёзувчилари билан бир сафда бу курашга ўз кучимни бағишлаётганлигимни ҳис этиш нақадар ажойиблигини айтишни хоҳлайман.

Адабий танқидчилар халқаро уюшмасининг вице-президенти **Хуан Рамон Масоливер** тўпланганларга қарата мурожаат қилди. Мен намояндаси бўлган ташкилот, деди у, Осиё ва Африка сингари бу қадар жўшқин бугунги ҳаёти ва бу қадар умидли келажагига эга бўлган иккита улкан қитъадаги ёзувчилар ҳаракатини зўр қизиқиш билан кўздан кечириб турди. Халқаро уюшмамиз Африка — Осиё ёзувчиларининг олға қараб қилаётган ҳаракатидан қувонмоқда. Бу ҳаракат Қоҳирадан Байрут, Деҳли, Олмаота учрашувларига бирин-кетин бориб, эндиликда тағи Тошкентдаги юбилей учрашувига келди.

Баракали ғоялар билан майдонга чиққан раҳбарларингизнинг интилишлари туфайли катта йўл босиб ўтилди, уларнинг самарали ғоялари рўёбга чиқарилди. Араб, инглиз ва француз тилларида нашр этилаётган адабий «Нилуфар» журнали, адабий мукофотлар, шоирларингизнинг, адабий танқидчилар, ёш ёзувчиларнинг меҳмондорчилик вазиятида ўтган шахсий учрашувлари, симпозиумлар шундай ғоялар жумласига киради. Ҳозирги учрашув сингари ажойиб учрашувлар тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Бу учрашувда Осиё ва Африкадаги қанчадан-қанча мамлакатлар адибларининг жонли мулоқатда бўлиши адабиёт билан яқиндан танишиш, турли қитъаларда ва тилларда ижод қиладиган ёзувчиларга мулоқатда бўлиш имконини беради.

Хуан Рамон Масоливер сўзини давом эттириб айтдики, ўзи испан миллатига мансуб бўлса ҳам Африка—Осиё ёзувчиларининг муддаолари унга ёт эмас, уларнинг эришган муваффақиятларидан мамнундир. Араблар олами билан, Осиё ва Африка халқлари билан испанлар ўртасида кўпгина алоқалар мавжуд. Африка—Осиё ёзувчилари ҳаракатининг куч-ғайратлари ва олиҳаноб мақсадлари испанларнинг миллий орзу-умидларига эришишда уларга далда бўлади.

Худди яқиндагина, бундан бор-йўғи йигирма йил муқаддам Тошкент Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатлардан келган меҳмонларни қабул қилиб олган эди, — деб эслайди атоқли совет ёзувчиси, халқаро адабий «Нилуфар» мукофотининг лауреати **Анатолий Софронов.** — Ўшанда Африканинг кўпчилик қисми ҳали мустамлакачилар зулмидан озод қилинмаган эди. Делегатларнинг айримларига чегарадан махфий ўтишга тўғри келган эди. Лекин Африка-Осиё ёзувчиларининг уюшмаси вужудга келганлиги рўёбга чиққан воқеа эди. Бу уюшма ана шу йигирма йил мобайнида мустаҳкамланди. Ғоят машҳур ташкилот бўлиб қолди.

Ташкилотимизнинг бутун иши билан чуқурроқ танишиш учун ана шу йигирма йил мобайнида Осиё ва Африка ёзувчилари томонидан ўнлаб тилларда ёзилган юзлаб ва минглаб китобларнинг томлари нашр этилганлигини ва миллион-миллион китобхонлар қўлиб чиққанлигини бир тасаввур қилиш керак.

А. Сафронов Африка-Осиё ёзувчилари ҳаракатини ўюштиришга умрининг кўп йилини сарфлаган Носим Ҳикматнинг номини, буюк Рабиндранат Тагор ворислари Ҳиндистон ёзувчиларининг, фаластинлик шоир-жангчилар Маҳмуд Дарвеш ва Мунн Боисунинг номини тилга олади. Асарлари бутун Африкада, эндиликда эса бутун дунёда машҳур бўлган киши — Агостиньо Нето халқ Анголасининг раҳбари бўлиб қолди.

Биз ташкилотимизнинг фожнали ҳалок бўлган бошлиғи Юсуф Ас-Сибойни қайғу-алам билан эслаймиз.

Мана энди Л. И. Брежневнинг самимий табрикономаси билан нурафшон бўлган ташкилотимизнинг йигирма йиллик байрамини нишонлаётмиз. Бу табриконома курашаётган халқларнинг биринчи сафларида бораётган Осиё ва Африка мамлакатларининг адабиётларига юксак эътибор ва ҳурмат-эҳтиром белгисидир. Шу залда замонамизнинг бу олиҳаноб ҳаракатини бошлаб берган кишиларнинг кўпчилиги ва ҳар иккала қитъанинг анчагина ёш ёзувчилари ўтирибдилар. Башариятга душман кучларнинг, империализм ва мустамлакачиларнинг ҳар қандай ҳийла-найрангларига қарамай, биз галаба қозонамиз!

К. Яшин тантанали мажлисни ёпар экан, Ўзбекистон пойтахтидаги ўз анжуманига келган ёзувчиларнинг барчаси номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневга Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент учрашуви иштирокчилари номига юборган табрикономаси учун яна бир бор самимий ташаккур изҳор этди. Бу табрикономада иккала қитъа ёзувчилари ташкилотининг фаолиятига юксак баҳо берилган, бу учрашув бутун дунёда тинчлик учун кураш ишига ўз ҳиссасини қўшади деган ишонч изҳор этилган.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари А. А. Беляев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Ю. Б. Кузьменко, Г. В. Шумейко иштирок этдилар.

Алишер Навоий номли театрдаги тантана Ўзбекистон санъат усталарининг катта байрам концерти билан якунланди.

С. ФРОЛОВА, Г. ЛИПШИЦ, О. ОСИПОВ,
Ўзбекистон информация агентлигининг мухбирлари.

ИПАК ПАХТАДАН МЎЛ ҲОСИЛ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали). КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётган Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхози заршунослари районда биринчи бўлиб галаба манзилига етиб келдилар. Мавжуд 972 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахта териб олишга эришилди. Ватанга 2810 тоннадан зиёд ипак пахта армуғон этилди.

Хўжаликнинг Нарзи Омонов, Курбон Кенжаев ўртоқлар бошлиқ бригадалари гектаридан 40-45 центнердан ҳосил олди. Бу илғор коллективлар 50-55 центнерлик маррани кўзлаб пахта йиғим-теримини қизғин давом эттиришмоқда. Жўрақул Омонов, Ахтам Давронов, Зоир Қўзиев, Қодир Расулов бошлиқ бригадалар эса гектаридан 32-34 центнердан ипак пахта йиғиб олди.

Колхоз азаматлари эл хирмонига яна 2100 тонна қимматбаҳо маҳсулот топшириш учун курашмоқдалар. Шундай қилиб, бу ерда ипак пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерга етказилди.

Муталлиб Эшонович ЭШОНОВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Андижон область Пахтаобод район партия комитетининг биринчи секретари Муталлиб Эшонович Эшонов 8 октябрда узоқ давом этган касаллиқдан сўнг бевақт вафот этди.

Муталлиб Эшонович Эшонов 1925 йилда Андижон область Избоскан районидаги Чувама қишлоғида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1942 йили халқ маорифи органларида бошлади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У 1948 йили Избоскан район комсомол комитетининг биринчи секретарлигига сайланди, кейин район партия комитетининг аппаратида ишлади. 1954 йилдан 1972 йилгача Ўзбекистон КП район комитетининг секретари, иккинчи секретари, Избоскан, Пахтаобод район ижроия комитетларининг раиси вазифаларида ишлади. 1972 йилдан умрининг сўнгги кунларигача Пахтаобод район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади.

М. Э. Эшонов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Партия, совет ва комсомол ишининг барча лавозимларида у бутун куч-ғайратини, тажрибасини ишга солди. Принципиаллик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, одамларга эътибор ва гамхўрлик билан муносабатда бўлиш, ғоят меҳнатсеварлиги туфайли у ўзи билан бирга ишлаган ва уни билган ҳамма кишиларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

Муталлиб Эшонович Эшонов республикамиз иқтисодий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Ўзбекистон Компартияси XIX съездида Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланди. Партия ва совет органларида узоқ йиллар самарали ишлаганлиги учун икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланди. Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, толмас меҳнатчи, ажойиб инсон ва ўртоғимиз Муталлиб Эшоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаховов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, И. Б. Усмонхўжаев, Ж. Ҳасанов, А. П. Шендрик, М. Раҳимов, И. Қурбонов, М. Х. Муҳитдинов.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОНТЕЙНЕРДА ЮК ТАШИШ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

ВАРШАВА. Халқ Польшасида транспорт хизматининг истиқболли формаси бўлган контейнерларда юк ташиш муттасил ривожланиб бормоқда. Кўпгина темир йўл станцияларида ва денгиз портларида контейнер юклерини тушириш ва ортиш учун зарур ускуналар билан таъминланган махсус базалар барпо этилган.

Денгизда юк ташиш соҳасида катта тараққиётга эришилди. Бултур Польшанинг савдо флоти қарийб 15 мингта контейнерни ташиб берди. Ҳозирги вақтда республика ана шу мақсадлар учун мослаштирилган 50 та кемага эга. Яқин вақт ичида контейнервозлар сонини қарийб икки баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЙЎЛЛАРИ

ПРАГА. Автомобиллар тез қатнайдиган магистраль йўлнинг навбатдаги 25 километр узунликдаги участкаси фойдаланишга белгиланган муддатдан анча барвақт топширилди. Бу йўл Прагани йирик индустриал марказлар бўлган Брно ва Братислава билан боғлайди. Автомобиллар қатнайдиган трассанинг умумий узунлиги ҳозир 227 километрга етди. Бу йўлдаги барча қурилиш ишлари 1980 йилда тугайди.

Шу кунларда аслида Чехословакиянинг ҳамма районларида йўл қурилиши ишларининг кенг кўламини кўриш мумкин. ЧКП XV съезди қарорлари ва олтинчи беш йиллик план директивалари асосида янги тош йўллар қурилмоқда, ишлаб турган магистраллар реконструкция этилмоқда ва модернизация қилинмоқда.

ЎСИШНИНГ ТЕЗ СУРЪАТЛАРИ

СОФИЯ. Ямбол шаҳрида полиэфир шойи ишлаб чиқарадиган янги фабрика дастлабки маҳсулот берди. Ана шу фабриканинг ишга туширилиши билан Болгариянинг тўқимачилик саноати устки кийим ва трикотаж учун газлама ишлаб чиқаришга зарур бўлган химиявий толанинг янги турини ишлаб чиқара бошлади. Ямболдаги фабрика бир йилда 6.500 тонна полиэфир шойи чиқарадиган бўлади.

Республиканинг бутун территориясида ўлкан химия қурилишлари олиб борилмоқда. 300 минг тонна этилен, 100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган саноат қурилмалари барпо этилмоқда.

ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛЛАРИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

ПХЕНЬЯН. Шу етти йилликда (1978—1984 йиллар) Корея Халқ Демократик Республикасида жами узунлиги 1.600 километр келадиган темир йўл магистраллари электрлаштирилади. Яқинда қурувчилар 140 километр узунликдаги Кильчжухесан линиясида ишларни тугалладилар. Тэдонган—Синсончхан участкасини электрлаштириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Электровоз ёрдами билан ташиладиган юклар ҳиссаси ҳозир темир йўл транспортидаги умумий юк оборотининг 66 процентини ташкил этмоқда. Етти йилликкинг охирига бориб бу кўрсаткич 87 процентга етади.

(ТАСС).

Шонли юбилей

НИКОЗИЯ. Кипрнинг прогрессив жамоатчилиги Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси (АКЭЛ) бош секретари Эвкекас Папаиоаннунинг етмиш йиллигини тантанали нишонлади.

Никозияда бўлиб ўтган оммавий йиғилишда АКЭЛ бош секретарининг ўринбосари А. Фантис Кипр халқининг содиқ фарзанди Э. Папаиоаннунинг кўп йиллик самарали фаолияти тўғрисида ахборот берди. Мамлакат оммавий ташкилотларининг раҳбарлари ҳам юбилярни табрикладилар. Жавоб нутқида Э. Папаиоанну ўз халқининг ҳаққоний иши учун курашда куч ва ғайратини алмаслиги тўғрисида АКЭЛ партиясига, Кипрнинг барча меҳнаткашларига ваъда берди.

Йиғилиш қатнашчилари Э. Папаиоанну Совет Иттифоқининг юксак мукофоти — Октябрь Революцияси ордени билан, шунингдек Болгария, ГДР, Польша ва Чехословакиянинг орден ҳамда медаллари билан мукофотланганлиги тўғрисидаги ахборотни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

(ТАСС).

ПЕРУ КОММУНИСТЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ЛИМА. Бу ерда Перу Компартияси Марказий Комитетининг мамлакат ишчилар синфи жанговар ташкилотига асос солинган кунининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда Перу Компартиясининг раҳбарлари ва активлари, шунингдек юбилей байрамида қатнашиш учун бошқа мамлакатлардан келган қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари, шу жумладан КПСС делегацияси ҳозир бўлдилар.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Перу Компартияси Марказий Комитетига йўллаган табрикономасини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

**Жанубий Африка Республикасида полиция репрессиларни авж олдирмоқда. Кейптаун яқинидаги Кроссроудс шаҳарчасида ўтган намойиш иштирокчиларидан уч юздан ортиқ киши қўлга олинди. Ушлар «пропуск тўғрисидаги қонунни» бузишда айбланмоқдалар. Кроссроудсдаги намойиш иштирокчи маъмурларнинг 20 мингга яқин аҳоли яшаётган Кейптаунининг ана шу районини тўлиқ ўраб олган полиция ҳалқасини ёриб ўтиб, ўз ҳаётларини хавф остига қўйган ҳолда, ўзларини ҳимоя қилиб, ўзлари ва ҳаётлари учун ҳеч нарсадан қўрқмаётганлиги ва ҳеч нарсадан ҳайиқмаётганлиги ҳаммани ҳайратга солди. Ҳеч нарсадан ҳайи

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК МАШЪАЛИ ПОРЛАЙВЕРСИН!

ТАШКЕНТ ● 1958—1978

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ҲАЁТБАХШ ШАБАДАЛАРИ

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари биринчи халқаро Тошкент конференциясининг 20 йиллигини нишонлаш мақсадида мураккаб кечди. Адабиёт соҳасини олайлик. Улфат, Бенаво, Эҳсонулло Хайр каби ёзувчилар ижодида бу кураш мавзуи феодализм тузумини фақат танқид қилиш йўналишидагина намоён бўлди. Бироқ Нурмуҳаммад Таракий ва унинг сафдошлари феодализмни, мустабид ҳокимиятчиликни, империализмни танқид қилиш билангина чекланиб қолмай, балки мавжуд тузумни ўзгартириш, кенг халқ оммасининг манфаатларига мос келадиган турмуш тарзини юзага келтириш йўлларини ҳам излай бошладилар.

Ўн уч йиллик изчил ва муросасиз кураш муваффақият келтирди. Ишчилар партияси тайёрлаган Апрель революцияси ғалаба қозонди, Афғонистон Халқ Республикаси тузилди. Апрель революцияси турмуш асосларини тубдан қайта қуришга имконият яратди, бинобарин, революциянинг ҳаётбахш шабадалари таъсирида маънавий ҳаётда, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам кескин ғоявий-бадиий изланишлар даври бошланди. Афғон адиблари ҳозирги кунда мамлакатда янги жамият қуриш ишида фаол қатнашмоқдалар. Ҳозир биз покистонликлар тараққиёт йўлидан боряпмиз. Муқаррар мақсадимиз эса, афғон замонида социализм қуришдир.

Маълумки, ҳар қандай революциялар даврида антиреволюцион элементлар бош кўтариб, улар революция ғалабасига зарба беришга уринадилар. Собиқ эксплуататорлар, зодагонлар ва қора реакция гуруҳлари Апрель революциясини бўғиб ташлашга, тарих ғилдирагини тескари айлантиришга уриндилар.

Бироқ, революциямиз енгилмасдир. Чунки у ишчиларга, кенг меҳнаткашлар оммасига, бутун демократик кучларга таянади. Нурмуҳаммад Таракий «Ихвонул мусулмонун» — «Мусулмонлар биродарлиги» деб аталган, бутун араб мамлакатларида, жумладан Афғонистонда томир ёйган қора реакцияга қарши кураш эълон қилди. Бу гуруҳни бизнинг илғор зиёлиларимиз истеҳзо қилишиб, «шайтонлар биродарлиги» деб ҳам атайдилар. «Шайтонлар гуруҳи» таг-туги билан емириб ташланиши лозим. Чунки, бу гуруҳ моҳият эътибори билан тараққиёт душманлари ва империализмнинг агентлари гуруҳидир. Улар озодлик ҳаракатининг ашаддий муҳолифларидир.

Адабиётда ҳам худди шу кураш руҳи билан суғорилган достонлар, шеърлар, драматик асарлар, адабий публицистик мақолалар ёзилмоқда, матбуотда карикатуралар пайдо бўлмоқда. Адабиёт ва санъат бутун вужуди билан революция хизматига сафарбардир.

Осиё ва Африкадаги ҳар бир мамлакат адабиётининг тараққиёти ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо уларни бирлаштирадиган муштарак томонлар ҳам кўп. Икки қитъада шиддат билан давом этаётган озодлик, мустақиллик, социал тараққиёт йўлидаги кураш ана шундай энг умумий томондир. Биринчи Тошкент конференцияси икки қитъадаги уйғонишлар даврини янги чўққига кўтарди. Бугун эса Осиё, Африка адиблари янги вазифаларни аниқлаб олишлари керак.

Совет ва афғон халқлари қўшни, чегарадош халқлардир. Бизларни тарих синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик, ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Бу дўстлик, яхши қўшничилик, ҳамкорлигимиз ҳар тараффлама равнақ топсин, дўстлигимиз китоби янги ажойиб саҳифалар билан тинмай бойиб бораверсин.

Муҳаммад Сиддиқ РУҲИН,
Афғонистон Фанлар академияси аъзоси.

Гауссу ДИАВАРА,
(Мали шоири).

АФРИКА, СЎЗЛА

Гауссу Диавара Мали Республикасининг истеъдодли шоири, у режиссёр, драматург, таржимон ҳам. Унинг шеърлари рус тилига ҳам таржима қилинган. «Малининг туғилиши» номли китоби рус тилида Москвада чоп этилган. У Москвада таҳсил кўрган, олий маълумот олган. Шоирнинг қатор шеърлари қардошлик туйғуларини, революция доҳийси В. И. Ленинни улуғлашга бағишланган.

Мен таҳҳоман, кезиб
юрибман
Москва осмони остида.
Жонланар хотирамда
Она замин тупроғим,
Турфагина гулбоғим.
Жафокашим Африкам,
Меҳнаткаш она халқим —
Қўшиғим, уйғоқ қалбим.
Кўҳна денгиз оша
Мафтункор бир соз,
тинглайман
Гитара сасига сингиб
кетгайман,
Уша даврлардан ўтгайман.
Яна соз чертилар,
Қизлар қуйлашади оҳиста,
Юрагимга оқиб кирар бу
куйлар,
Она тупроқ чорлар мени
олисдан.
Она юрт нафаси,
Чолғунинг саси
Гулруҳсор қизларнинг
қўшиғи келар,
Нозик бармоқларни ўйнатиб
улар,
Лиқ-ға остида балки ўлтирар,
Сочлари тимқора, худди
денгиз кукуни,
Олислардан тинглаяпман,
кўраяпман мен уни.
Бармоқлар тор чертарлар
Бармоқлар соз чаларлар,
Олислардан юрагимни
оларлар.
Янграб кетар доралар ҳам,
Кенгаяди тор давралар ҳам.
Чақмоқ янглиғ ўтли дилим,
Нигоҳимда турар элим.
Рақс бошланар унда оқшом
паллалар,
Нозик елкалар ҳам ботар
терларга,
Яноқлари яшнар шўх
кулгулардан.
— Африка, Африка,
сўзлагин менга,
Сўзлаб бергин тинглай,
онажон.
Аламлардан бўзлагин менга
Ўғлинг сени ўйлар ҳар
қачон.
— Бу мен, онанг, сочлари
оппоқ,
Алам-ангизлардан кўнгли
ўксинган.
Қайноқ қон тўкилган бу
заминга боқ,
Кўз ёшимдан тўлиб кетди
денгиз ҳам.
Не-не ўғлонларим бўлдилар
қурбон,
Мен она то ҳануз
гирёнман, гирён.
Уларнинг гуноҳи не эди
асли,
Қоралиги ўғлим, қора
танлиги.
Мен — бева, муштипар
изтироб енгган,
Ғариблик, қашшоқлик
нон-насиб менга
Қийноқлар дол этди сарвдек
қаддимни,
Қурашлардан топмоқ
бўлдим бахтимни.
Мен — қонли қирғинлар,
кураш онаси,
Мен— яна қаҳрамонларнинг
дояси,
Мен— шундай бир Ватан,
шундай бир ерки,
Тупроғимдан унар тинчлик
ва севги.

Русчадан таржима.



СУРАТДА: Тошкентда ўтаётган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари халқаро конференциясининг қатнашчилари: [чапдан ўнгга] афғонистонлик олим Муҳаммад Сиддиқ Руҳин, Жанубий Африка ёзувчиси Алекс Ла Гума, Покистон шоири Файз Аҳмад Файз.

А. Тўраев фотоси.

ЗАМОНАМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг «Замонамизнинг энг муҳим проблемалари» мавзуидаги нутқи тексти брошюра қилиб чиқарилди. Бу нутқ 1978 йил 26 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIII сессиясида сўзланган эди.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган.

(ТАСС).

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1978—79 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган илғор ишчилар, колхозчилар, Совет Армияси сафидан бўшаб келган ёшлар саноат ташкилотлари, қурилишлар, транспорт, алоқа ва геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсиянома масаласи кандидатураси қаралаётган шахс бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлгандагина қаралади. Ишчи вазифасидаги амалий иш стажи шу ташкилот (колхоз)да охирги йили узлуксиз бир йил бўлмоғи лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Уқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛМАГАН ВА ЎРТА МАКТАБНИ 1978 ЙИЛИ БИТИРГАН ШАХСЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Тайёрлов бўлимига нирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: университет ректори номига ариза, йўлланма, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (286-форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат (икки-уч фандан 11 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

ТИНГЛОВЧИЛАРНИ РУЙХАТГА ОЛИШ 25 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар университетнинг 1-курсига (кундузги ўқишга) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ҳар ойда 40 сўмдан стипендия билан, эҳтиёжи бўлганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-ГСП, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, 3 отсек, 2-қават, 21-хона. Тайёрлов бўлими қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ошпазлар, ошпазчи-алфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, электр-газ пайвандчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2—3 ЙИЛ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, соғлиғи ҳақидаги справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри — 81, Домбробод кўчаси, 74-уй (54, 50, 33, 84, 70, 103, 80-автобусларнинг «16-поликлиника», 16-троллейбусининг «Домбробод» бекатлари), Телефон: 77-49-53.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАР СОЮЗИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

дингга қарши мавзуда энг яхши плакат, китоб безаш ва сатирик графика учун

РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС ҚАТНАШЧИЛАРИ АТЕИЗМ ҒОЯЛАРИ ВА АТЕИСТИК ПРОПАГАНДАНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ АСАРЛАР ЯРАТИШЛАРИ КЕРАК.

Конкурсда профессионал рассомлар —планатчилар, графиклар, карикатурачилар қатнашадилар.

КОНКУРСГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНАДИ:

биринчи мукофот (битта) — 500 сўм.

иккинчи мукофот (иккита)— 300 сўмдан.

учинчи мукофот (учта) — 200 сўмдан.

Рағбатлантирувчи мукофот (учта) — 100 сўмдан.

КОНКУРС АСАРЛАРИ 1979 ЙИЛ 15 МАЙ СОАТ 18.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ КЕРАК: 700029, Тошкент шаҳри, Ленин проспекти, 40-уй. Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар зали.

Бошқа шаҳарлик авторлар ўз асарларини почта орқали кўрсатилган адресга 1979 йил 15 майдан кечикмай жўнатишлари, айни пайтда ўша адресга конкурс асарининг жўнатилган вақти, почта квитанциясининг номери кўрсатилган телеграмма юборишлари лозим.

Конкурс программаси ва шартлари билан Ўзбекистон Рассомлар союзида (Тошкент шаҳри, Ленин проспекти, 40-уй. Телефон 56-56-17) ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ёдгорликлар ва тасвирий санъат асарларини асраш бошқармасида (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефон 44-17-48) танишиш мумкин.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/Х да **Олам.нинг яратилиши** (премьера, билетлар сотилган), 12/Хда **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/Х да **Уйланиш.** 12/Хда **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/Х да **Шаҳзода ва етим қиз,** 12/Х да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/Х да **Ҳаммомга бало борми?** 12/Х да **Ун саккиз ёшлигим.**

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги

Х. С. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД-ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги бўлимлар ва лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудирлари: суд-автотехника экспертизаси, суд-баллистик ва трасологии экспертизаси, суд-бухгалтерия экспертизаси, суд-қурилиш-техника экспертизаси;

катта илмий ходимлар: суд-баллистик ва трасологии экспертизаси (2 ўрин), суд-бухгалтерия экспертизаси бўлими (бухгалтерия ҳисоб-китоби соҳасида мутахассис);

кичик илмий ходимлар: суд-дастхат экспертизаси, материаллар, моддалар ва буюмларни криминалистик тадқиқотлаш (3).

КОНКУРС МУДДАТИ 4 НОЯБРГАЧА

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй. Телефон 77-23-55.

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

«МЕҲНАТ»НИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Андижонлик хоккейчилар мамлакат чемпионатини муваффақиятли якунладилар

Спортнинг чим хоккей тури мамлакатимизда, жумладан республикамизда тобора оммалашиб бормоқда. Москвада бўлажак Олимпиада ўйинларига программасига киритилган чим хоккейга қизиқиш ортиб боряпти. Вакилларимиз биринчи ва олий лига коллективлари орасида муваффақиятли куч синашмоқдалар. Биринчи лига командалари ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида Тошкентнинг «Политехник» командаси хоккейчилари учинчи совриндор ўрнига кўтарилдилар. «Старт» (Ленинск) ва «Химик» (Фарғона) хоккейчилари ҳам яхши ўйин кўрсатишди. Шу кунларда эса Тошкентдаги «Текстильщик» стадионида аёллар командалари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақасининг якунловчи ўйинлари ўтказиляпти. Бунда «Андижанка»ва Тошкентнинг «Университет» командаси қизлари учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, муҳлисларни мамнун этмоқдалар. «Андижанка» қизлари ғалдаги учрашувни Москва жисмоний тарбия институти спорт клуби билан ўтказиб (1:0), ғалабага эришдилар.

Олий лига эркаклар командалари ўртасида ўтказилган СССР чемпионати баҳслари ҳам якунланяпти. Мастерлар группасида куч синашган Андижоннинг «Меҳнат» командаси хоккейчилари бу йилги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, чемпионатнинг бронза медалига сазовор бўлдилар. Меҳнатчилар сўнгги ҳал қилувчи учрашувларни ўз майдонларида Москванинг «Фили» коллективи билан ўтказиб (2:1, 1:0) жами очколарини 40 тага етказдилар. Шундай қилиб, «Меҳнат» чемпионатнинг бронза медалига лойиқ деб топилди.

«Меҳнат» мавсум бошида кучли бешликдан ўрин олишга ҳаракат қилди. Чемпионат кезлари учрашувларни уюшқоқлик билан ўтказган хоккейчиларимиз сафарда ва ўз майдонларидаги ўйинларда муваффақият қозониб, мавқеларини мустаҳкамлаб бордилар. Шуниси қувончлики, андижонлик хоккейчилар олий лигада иккинчи мавсумни ўтказишганига қарамай, чемпионатнинг фахрли ўринларидан бирини эгалладилар. Свердловсклик армиячилар 49 очко билан чемпионликка даъвогарлик қилишмоқда. Ўтган йилги чемпионлар — олмаоталик динамочилар ҳозирча иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Улар яна икки учрашув ўтказадилар. Ўйинлар жадвалининг бугунги кўринишн қуйидагича:

	У	Ю	Д	М	Т	О
СКА	32	21	7	4	45-16	49
«Динамо»	30	21	4	5	76-25	46
«Меҳнат»	32	18	4	10	42-29	40
«Волга»	32	16	4	12	36-26	36
«Фили»	32	13	5	14	58-48	31
«Красная Заря»	32	13	3	16	40-45	29
«Буревестник»	30	10	5	15	38-43	25
«Уральский трубник»	32	6	6	20	21-60	18
«Труд»	32	2	6	24	11-76	10

Олмаоталик динамочилар билан бокулик студентлар учрашувидан кейин чемпионат якунланади.

Ф. КОЗИМОВ.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ:

САФАРДА ЎН ОЧКО

Биринчи лига коллективлари ўртасида куч синашаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси мавсум бошидаги сафар учрашувларини ниҳоясига етказди. Вакилларимиз 4 ғалаба, 2 дуранг натижага эришиб, 4 марта имкониятни бой беришди. Жами очколари 10 тага етди. Навбатдаги турда икки учрашув ўтказилди. Челябинскда бинокорчилар маҳаллий «Металлург» мехмони бўлишди, Риганинг «Латвияс Берзс» командаси минсклик динамочиларни қабул қилди. Бинокорчилар биринчи учрашувда 5:3 ҳисобида муваффақият қозониб, такрорий ўйинда очколарни (6:6) баҳам кўришди. Ҳозирча ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олган:

	Ю	Д	М	Ш	О
«Кристалл»	7	1	—	35-18	15
«Сибирь»	6	1	1	26-13	13
«Молот»	6	—	2	39-24	12
«Динамо»	6	—	2	35-25	12
«Шинник»	5	1	2	40-27	11
«Бинокор»	4	2	4	44-49	10
«Ижсталь»	4	1	3	44-30	9
«Кристалл» Э	4	—	4	20-34	8
«Металлург»	3	2	3	28-27	8
«Дизелист»	3	—	3	32-24	6
«Локомотив»	3	—	5	28-35	6
«Шахтёр»	3	—	5	34-47	6
Урицкий номли СК	2	—	6	34-32	4
СКА МВО	1	1	6	31-49	3
«Латвияс Берзс	1	1	6	20-43	3
СКА Кб	—	2	6	28-63	2

Жадвалда «Латвияс Берзс» — «Динамо» (М) учрашуви ҳисобга олинмади. Энди бинокорчилар Омскнинг «Шинник» ҳамда Москванинг «Локомотив» хоккейчиларини қабул қиладилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Болалик ҳақида поэма. 10.25 — «Баҳор тароналари». Бадиий фильм. 11.30— «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — «Жонажон табиат». 16.30 — «Умид стартлари». 17.00 — Концерт. 17.30 —«Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 18.00 — «Горичлар, қаердасиз?» 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Фан оламида». 19.15— Концерт. 19.35 —«1978 йил ҳосили учун». 20.05 — «Лиқа». Спектакль. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Лирик қўшиқлар. 22.25 —Ҳужжатли фильм. 22.45 — Футбол. Европа чемпионати. Венгрия — СССР.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — «Қизил елканлар». Бадиий фильм. 18.00 —Фильм-концерт. 18.25 — «Қизиқарли учрашувлар». 18.55 — «В. И. Ленининг «Марксизм ва ревизионизм» мақолаларининг 70 йиллигига». 19.15 — «Ахборот». 19.30— Телефильм. 19.45 —«Шеърият меросидан». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 — «Шарқ қиссаси». Фильм-балет.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Айна». Бадиий фильм. 20.15 — Ўқув кўрсатуви. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — Пойтахт области далаларида. 21.45 — Концерт.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Н. Пўлатова ва Т. Бадинов концерти. 9.30 — Концерт. 11.15— В. И. Ленининг «Марксизм ва ревизионизм» мақолаларининг 70 йиллигига. 11.30 — Кинофильмларга ёзилган куйлар 12.00 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чиноз» совхоз техникумида». 13.30 — Концерт. 14.00 — «3 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» учун» 16.10— «Маҳом ва профессионал санъат» 18.15 — «Ўзбекистан спортивний». 18.30 — Москва. «Миллионлар ленинча университети». 18.50— «Дўстлик тўлқинида». 19.20 — «Партия пропагандасининг методик марказлари». 19.40 — «Лаос: янги марралар». 19.50— Увертюралар. 20.20—Концерт. 21.00 — Чорвадорлар учун концерт. 21.30 — М. Шайхзода туғилган кунининг 75 йиллигига. 22.28 — Музикали радиокомпозиция. 23.20 — «Дам олиш соатида».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, маданиёт ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, меҳнат ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЛАР МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42, Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-30.

Р. 02783. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 233.